



109

15 ул. 14-январь № 60-к

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд тумани «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид агротехсервис» агрофирмаси ҳудуддан фуқаро Дўстмухаммедов Толибжонга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа объекتلар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2014 йил 26 сентябрдаги 176 рақамли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2014 йил 30 июндаги 956-сонли хулосаси, фуқаро Дўстмухаммедов Толибжонни туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини ишбатта олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2014 йил 26 сентябрдаги 176 рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд тумани «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 538 контуридан фуқаро Дўстмухаммедов Толибжонга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,80 га (шундан: 0,80 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Дўстмухаммедов Толибжонга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2015 йил 1 январь ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га топширилсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.



Туман ҳокими

Б. Кадиров